

Адабиётда шундай мавзу ва масалалар борки, улар за-мон ва макон хакидаги коидаларга итоат этмайдилар. Миллий айирмалардан хам, диний айирмалардан хам юкорида турадилар. Улар барча халклар, барча мамлакатлар учун муштаракдир. Шундай масалалардан бири инсон ва инсонийлик масаласидир. Бу неча-неча асрларни адабиёт воситасида ўзаро маҳкам боғлаб-бириктириб турадиган кўзга кўринмас бир робитадир. Бу мавзу дунё қадар кўхна, инсон қадар хамиша барҳаёт мавзудир. Адабиёт бино бўлибдики, бу мавзу унга йўлдошдир. Фарқ шундаки, у замони билан мумтоз ва беназир мавке олди. Замони билан оддий, жўн, шунчаки бир гапга айланиб қолди. Лекин ҳеч қачон адабиётнинг кун тартибидан тушган эмас.

Алишер Навоий фавқулудда шахсият, дохий санъаткор. Тарих ҳар замонда бир инъом этадиган санъаткор. Унинг ижоди ҳудудсиз бир уммон. Унга тушган гаввос курук чикмайди. Ҳар ким ўз ақлига кўра, ўз гайратига кўра, кунт-чидамига кўра, албатта, нимадир топиб чиқади. Аввало, унда ҳар бир саволга жавоб бор. Инсоннинг кундалик ҳаётидан инсониятнинг долзарб муаммоларигача. Унинг «Хайратул аброр»ида шундай сатрларни ўқиймиз:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.

Улуг шоир эътиқодича, дунёнинг бино бўлмогидан муддао аслида инсон эди. Бинобарин, ундан улуг мавжудот йўқ. У — хилкатнинг тожи, борликнинг меҳвари.

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни тариф айладинг,—

деб ёзади шоир.

Бу сатрлар бундан 500 йил олдин ёзилган. Инсон ва унинг кадр-қиммати масаласи 500 йил олдин ҳам адабиётимизнинг жон томирларидан бўлиб келган эди. У кўхна Шарқ адабий тафаккурида, хусусан, форсий шеъриятда мумтоз мавкени тутган «одамият» масаласи билан гоят ҳамоҳанг эди.

Замондошимиз, шоир Эркин Воҳидов қаламида бу фикр шундай ақс садо топади:

Собиту сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг,
Мулку олам ичра бир хокон ўзинг, султон ўзинг.

Инсон деганда, биринчи навбатда, биз унинг ҳаётини, бу ҳаётнинг реал мазмунини кўзда тутамиз. Адабиёт инсоний умрнинг фонийлигини инкор қилмади. Ақсинча, ҳақиқатга тик қаради. Унинг кишига бир марта бериладиган улуг неъмат эканини таъқидлади. Ганимат умрдан баҳраманд бўлиш, уни яхшилик-эзгулик йўлида сарф этиш, шу орқали умрни абадийлаштириш ҳақида фикр юритди:

Хуштурур боги коинот гули Барчадин яхшироқ ҳаёт гули, — деб ёзади улуг Навоий. Ёки унинг хикматга айланиб кетган мана бу фард — муаммосини олиб кўрайлик:

Бу гулшан ичраки йўктур бако гулига сабот
Ажаб саодат эрур чикса яхшилик била от.

Бу гулшандаки сўлмайдиган гул йўк экан, хамма бирин-кетин ажал шарбатини ичар экан, яхшилик билан чикарилган от туфайлигина абадий яшаб колиш мумкин, холос. Бошкча айтганда, ўлмасликнинг йўли битта — яхши ном - мана шоир умрининг мазмуни, ижодининг бош шиори. Бу умрнинг мазмунига тегишли гап. Унинг бош шиори комил инсон.

Инсон хакида гап кетганда яна бир нарсани кайд этмок керак. Сарв каддининг мавзунлиги билан, гул рухсорининг гулгунлиги билан кадрли. Инсон хам номига, ўз кад-рига, ўз мавкеига муносиб бўлиши керак. Бу масала хам инсон хакидаги фикр-карашларнинг мухим бир кисми сифатида хамиша адабиётнинг марказида келди. Бугина эмас. Шоирларимиз инсоннинг маънавий-ахлокий камолотига хам алохида эътибор килдилар. Масалан, Навоийча инсоннинг дунёга келиб камолотга етмай ўтиши хам-омга кириб, тоза бўлмайдиган чикишдек гапдир:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай гамнок чикмок.
Жахондин нотаом ўтмак — биайних,
Эрур хаммомдин нопок чикмок.

Биз бугун инсонни хар томонлама камол топтириш хакида гапирар эканмиз, унинг Навоий орзуларига хамоханг эканлигини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Инсоннинг шаъни-шукухи, мавке-мартабаси X—XV асрларда Шарк адабиётида шаклланган одамийлик — одамийлик фалсафасининг факатгина бир томонидир. Унинг энг мухим бўлган иккинчи томони хам бор. У инсоннинг ташвиш ва кувончлари билан яшамок, унинг бахтидан кувонмок, гамидан ёнмокдир. XX аср боши ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бири Сидкий Хондайликий шундай ёзган эди:

Хама одам ўгли бир аъзо эрур,
Ки хилкатда бир дурри танхо эрур.
Бир узвингни ранжитса гар рўзгор,
Бўлак узвларда колурми карор?!

Дархакикат, инсоният барча узвлари ўзаро бир жону бир тан билан боғланган яхлит бир аъзодир. Унинг мукобили, тимсоли йўк. У — дурри танхо. Унинг узвларининг бирига шикаст етса, бошқаларининг бекарор бўлиши мухаккакдир. Инсонларнинг инсон ва инсонликни химоя килиши шундан.

Улуг шоир:

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўк халк гамидин гами, —

деб ёзди. Ўзининг хаёти учун ҳам, ижоди учун ҳам бу даъватни шиор сифатида кабул қилди. Бу шиор биргина ўзбек ёхуд Шарк адабиётига хос эмас. У умумжаҳон адабиётининг таянч нукталаридан биридир. «Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу — Сизнинг бурчингиз!» — кўшимча қилгандек бўлади Руссо. Давримизнинг бугунги шиорларидан бири эса «Хамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деб номланган.

Чинакам инсон учун кишилиқни улуглаш, унинг бахтли бўлиши лозимлигини эътироф этиш хали оз. Бу бахт учун курашмоқ ҳам зарур. Навоий бу йўлда ҳам буюк жасорат кўрсатди. Инсонпарварликни ҳар қандай муқаддас нарса-дан муқаддасроқ билди. Уни ислом оламининг энг муқаддас, мўътабар даргоҳи Каъбани обод қилиш билан тенг тутди. Шоир ёзади:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлағай,
Онча борки, қаъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Бир кўнгли синик кишининг кўнглини кўтариш, шод этиш шу қадар улуг ишқи, бу вайрон бўлган Каъбани обод қилган даражададир. Одамнинг кўнгли Каъбага қиёсланяпти. Кўнгил синиклиги Каъба вайронлигига ўхшатиляпти. Меҳр-мурувватнинг бундай тимсоли, ўйлайманки, ҳар қандай кишини ларзага солади.

У элнинг нафани ҳамиша ўзлигидан устун қўйди. Уни ҳамиша энг юксак мезон деб билди. Ахир:

Юз жафо қилса манга, бир катла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз катла фарёд айларам, —

демок учун киши эл дардини қанчалар теран билмоғи керак! Йўқ, билишгина эмас, у билан бир тандек, бир вужуддек яшамоғи лозим.

Мана шу сўнгсиз дард ва иштиёқ - замона ноҳақликларидан изтиробланиш, ҳақиқат ва адолатни орзулаш шоирни келажакка етаклади. У зулм ҳам, зўравонлик ҳам бўлмайдиган олам ҳақида фикр юритди:

Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар у,
К-аз жафои мардуми олам набошад гам дар у, -

деб ёзди. Яъни: бир олам истайманки, унда давримизнинг одамлари бўлмасин, одамлар жафосидан гам бўлмасин.

Бошқа бир шеърда эса қуйидаги сатрларга дуч келамиз:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин яраткой оламе.

Инсоният бино бўлибдики, ўз келажagini, истикболини ўйлайди. У дунёни иккига —

эзгулик ва ёвузликка ажратди. Эзгулик ва ёруглик тимсолида Хурмузни яратиб, ёвузлик ва зулматга - Ахриманга карши курашга солди. Тўкинлик, фаровонлик хакида хаёл суриб «очил дастурхон»ларни ўйлаб чикарди. Шох ҳам, гадо ҳам бўлмайдиган замонларни, адолат ва озодлик пойдор бўладиган давронларни орзу килди. Улуг Навоий башорат килган «оламни боштин яратмак» хакидаги фикр инсоният излаган хакикатга эш эди. Ундан 350 йил кейин ўтган ва ўз шеърларида Навоийни хамиша устоз тутган Огахий ёзади:

Агар жамъ ўлса учкун бир маконга,
Бўлур хар дамда оташгох пайдо.
Ва гар хар соридин йигнолса катра,
Бўлур тадриж ила хосил хувайдо.

Халкнинг гоят кудратли куч эканлигини ифода этувчи бу китъа 1842 йилги Ойдўст кўзголови муносабати билан ёзилган. Лекин ундаги рух ва мазмун Навоийга гоят якин. Буни пайкаш кийин эмас. Энди бошка бир шеърни кўрайлик:

Халк денгиздир, халк тўлкиндир, халк кучдир,
Халк исёндир, халк офатдир, халк ўчдир...
Халк кўзголса, куч йўқдирким тўхтатсун!
Кувват йўқким халк истагин йўқ этсун...

Бу шеърнинг муаллифи 20-йилларнинг машхур шоири Чўлпон. Бир нарсага эътибор килайлик. Бу уч шоирни -XV асрдаги Алишер Навоийни, XIX асрдаги Огахийни ва XX асрдаги Чўлпонни бир-бирига махкам боглаган робита нима? Инсонпарварлик эмасми, элпарварлик эмасми?!

Бой ўтмиш адабий меросимизнинг бугун ҳам бархаёт келаётганлиги хакида гап кетганда Навоий хаёти ва ижоди билан боглик яна бир масалани тилга олишни истардим. Улуг шоир ўзининг бутун умрини халки ва мамлакати осойишталигини таъминлашга, эл ва юрт бошига киргин ва талонлар келтирувчи ўзаро нифок ва жанжалларни олдини олишга қаратган эди, тинчликни улуглаганди. Бу маслак ва гоя унинг ўлмас асарларида ҳам давом этди. «Хамса»даги воқеалар, образлар бунга далил.

Дархакикат, Навоий барча замонлар шоири. Хар бир авлод ундан ўзига керакли гап топа олади. У замонларни бир-бирига улаган шоир. Унинг инсон хакидаги, умр хакидаги, хаёт хакидаги, ишк хакидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайдиган фикрлардир.

1987 йил
Бегали Косимов